2006 YIL 18 APREL, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 49 (7.042). Sotuvda erkin narxda





Қамаши туманидаги «Норбобо ўғли Адҳам» фермер хўжалиги воҳадаги аҳил жамоалардан бири саналади. Адҳам Тўраев етакчилик қилаётган мазкур хўжалик аъзолари жорий йилда «Бухоро-6» пахта навидан 40 центнердан хирмон кўтаришни ният қилишган.

СУРАТЛАРДА: 1.Фермер Адҳам Тўраев. 2.Иш жараёнидан лавҳа.

Б.АКРАМОВ олган суратлар.

# Мавсум масъулияти

***Навоий вилоятида аграр соҳани ривожлантириш мақсадида сўнгги йилларда сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Бу йилги мавсумга пухта ҳозирлик кўрган ҳолда киришилганлиги ўзининг дастлабки натижаларини берди. Мухбиримизнинг вилоят ҳокими Баҳриддин РЎЗИЕВ билан суҳбати ана шу хусусда бўлди.***

*- Одатда, кечаги кун натижалари таҳлил этилиб, режаларга асос солинади. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги афзаллигу имкониятлар нималардан иборат?*

- Аграр тармоқни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар бу устувор тармоқда сезиларли натижаларга эришиш имконини берди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида сурункали зарар билан фаолият кўрсатган 53 ширкат хўжалиги ўрнида 3650 та фермер хўжалиги ташкил этилганлиги туфайли пахта ва ғалла етиштиришда самарали натижаларга эришилди.

2005 йили 110 минг тонна пахта етиштириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 117 минг тоннадан зиёд дурдона давлатга сотилди. Самарадорлик 24 фоизни ташкил этди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 29,6 центнерга тўғри келди.

2005 йили 167,2 минг тонна дон етиштирилиб, режа 122 фоизга бажарилди.

Деҳқонларимиз айни пайтда 40903 гектар майдондаги кузги ғалла парваришини кучайтиришган, шу билан бирга 39400 гектар ерга агротехник талаблар асосида чигит экилди.

**Долзарб мавзу**

*- Ҳукуматимиз аграр соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда, минерал ўғит, сув, ёқилғи-мойлаш материаллари ҳамда техникадан фойдаланишда самарали тизим яратилди. Оқибатда барча агротехник тадбирлар вақтида амалга оширилмоқда. Интизом, аҳиллик, масъулият ўз самарасини кўрсатаяпти. Шу хусусида...*

- Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигини замонавий, юқори самарали хизмат кўрсатадиган техника билан таъминлаш мақсадида аниқ дастур ишлаб чиқилди. Ер эгаларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма яратилди.

Вилоятда фермер хўжаликларига 42 та МТП, 49 та СФУ, 45 та ёқилғи сотиш, 32 та минерал ўғит тарқатиш шохобчалари, 29 та минибанк, 12 та қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш, 30 та зооветеринария хизмати кўрсатиш шохобчаси, 15 та консалтинг ва ахборот таъминоти марказлари томонидан 817 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Мўл ҳосил етиштиришнинг кафолати уруғни ерга вақтида қадашдир. Ғўза қишлоқ хўжалик экинлари орасида минерал ўғитлар энг кўп сарфланадиган ўсимлик ҳисобланади. Лекин уни ноўрин ва бевақт ишлатиш ҳосил миқдорини пасайтириб юбориши мумкин. Ўсимлик шўр ерларда қандай қийналса, ортиқча ва ноўрин ишлатилган минерал ўғитлар ҳам шундай ташвиш келтиради.

Жорий йилда 3916 тонна азотли, 4003 тонна фосфорли, 599 тонна калийли ўғит захираси 25 та шохобчада сақланиб, фермер хўжаликлари далаларигача етказиб бериш учун 87 та транспорт воситаларидан унумли фойдаланилди.

2442,8 тонна ёқилғи-мойлаш материаллари захирасидан чигит экишда фойдаланилди. Мавсумда 48 та юқори унумли ҳайдов трактори, 146 та оддий ҳайдов, 813 та чопиқ, 883 та транспорт трактори, 324 та чигит экиш сеялкаси тўлиқ ишлатилди.

Чигит экиш мавсумида қатнашган 324 нафар механизатор, 324 нафар сеялкачи ва бошқа соҳаларда хизмат кўрсатувчи 2971 нафар ишчи-хизматчиларга жами 98,3 миллион сўм миқдорида иш ҳақи тўланди.

Деҳқонларимиз бу йилги чигит экиш мавсумига ҳар йилгидан барвақт, кўтаринки кайфият билан киришгандилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 январдаги "2006 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан вилоят ҳокимининг 2006 йил 3 февралдаги қарори қабул қилинди. Тупроқ ва иқлим шароитига мос бўлган ғўзанинг Бухоро-6, Анбоёвут-2, Бухоро-102 навлари экилди.

Чигит экишни қисқа муддатларда, сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини берди. 155 та ер тайёрлаш, чигит экиш отрядлари тузилиб, улар кучидан унумли фойдаланилганлиги туфайли мавсум 15 иш кунида тугалланди. Эндиги вазифа чигитни бир текис ундириб олиб, уни агротехника қоидалари асосида парвариш қилишдан иборатдир.

Жорий йилда қишлоқ хўжалигида юқори натижаларга эришиш учун деҳқонларимиз зиммаларидаги вазифаларни шараф билан бажариб, мамлакатимизни равнақ топтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

*–Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.*

**Суҳбатдош:
Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари — банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кенгайишига имкон яратди.

Шу билан бирга, мазкур тармоқни ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни таъкидлаш жоиз, хусусан, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, қишлоқ жойларида суст ривожланмоқда, бу ерда катта капитал маблағ талаб қилмайдиган ва хусусий тадбиркорлик учун жозибадор бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари етарли даражада ривожланмаяпти ва қишлоқ аҳолисининг улардан фойдаланиш имкониятлари пастлигича қолмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг бу муҳим тармоққа керакли даражада эътибор қаратмаётганига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Бунинг натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳозирча бозор мезонларига мос келмаяпти ва уни дунёнинг ривожланган мамлакатларида бу соҳада эришилган кўрсаткичларга таққослаб бўлмайди.

Бу мамлакатларда хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60-80 фоизни ташкил этади, хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қарийб 70 фоизи меҳнат қилади, аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида эса мазкур соҳа 50-60 фоизни ташкил этади, ваҳоланки, республикамизда бу кўрсаткич 10-15 фоиздан ошмайди.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб ҳисоблансин:

хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, жумладан, бу борадаги расмиятчилик тўсиқларини бартараф этиш ва шу асосда хизматлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ҳамда 2010 йилгача уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;

**(Давоми 2-бетда)**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

**Таркибий ислоҳотлар кўламларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда иқтисодиётни модернизациялаш, уни ўстиришнинг барқарор юқори суръатларини, барқарор ва мутаносиблаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш, хусусий мулкчилик секторини мустаҳкамлаш ва бизнес учун қулай муҳитни шакллантириш, аҳоли даромадларини ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти сифатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида қўйилган асосий вазифалар ана шулардан иборатдир.**

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш натижаларини таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш бўйича вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 апрелда бўлиб ўтган мажлиси қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш давомида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ижобий сифат силжишларига эришилди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан 3,6 фоизга ўсди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг саноатда 6,8 фоизга, қишлоқ хўжалигида 4,5 фоизга, қурилишда 3,6 фоизга, транспорт ва алоқа тармоқларида 7,3 фоизга, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 6,3 фоизга кўпайишига эришилди. Ушбу ижобий жараён инвестицияларни ва экспорт ҳажмларини кўпайтириш орқали мустаҳкамланди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 387,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгартириш бўйича кўрилган қатъий чора-тадбирлар таркибий ўзгартирилаётган 484 корхонадан 324 тасида ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичларини яхшилаш имконини берди.

Хусусийлаштириш дастурига мувофиқ 208 корхона, объектлар ҳамда акциялар ва улушларнинг давлат пакетлари мулкчиликнинг нодавлат шаклларига айлантирилди ва биржа ҳамда биржадан ташқари савдоларда, улардан 142 (68,2%) объект тўлиқ хусусий секторга сотилди.

Ҳукумат томонидан ишчанлик муҳитини яхшилаш, солиқ юкини пасайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг юқори суръатларда ўсишига ҳамда уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2005 йил I чорагидаги 28,2 фоиз ўрнига 30,1 фоизгача кўпайтиришга ёрдам берди.

Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотлар кўламларини кенгайтириш ва уни модернизациялаш мақсадида 615,6 миллиард сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, улардан 67 фоизини ишлаб чиқариш мақсадидаги инвестициялар ташкил қилди. Ўзлаштирилган хорижий кредитлар ва инвестициялар миқдори 86,9 миллион долларни, шу жумладан тўғридан-тўғри инвестициялар 57,1 миллион долларни ташкил этди.

Бир қатор корхоналар фойдаланишга топширилди, трикотаж газлама ва тайёр трикотаж буюмлар ишлаб чиқарадиган «ТошКая текстил», ип-калавалар ишлаб чиқарадиган «Марғилонтекс», «Балиқчитекс» қўшма корхоналари шулар жумласидандир. Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўл линиясини реконструкция қилиш, Тошкент иссиқлик энергия марказини модернизациялаш, Резаксой сув омборини ва бошқа шу каби йирик объектларни қуриш ишлари давом эттирилди.

Маҳаллийлаштириш дастурини бажариш кўлами кенгаймоқда. Уни амалга ошириш доирасида бугунги кунда 119 корхона ишлаяпти, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳисобланган самараси 241 миллион долларни ташкил қилди.

Истеъмол бозорини, савдо ва пулли хизматлар кўрсатишни ривожлантиришда, уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишда ижобий натижалар кузатилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги қайта ўзгартиришлар чуқурлашмоқда. Тармоқда ялпи маҳсулотнинг ўсиши 2005 йилнинг тегишли давридагига нисбатан 104,5 фоизни ташкил қилди. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш суръатлари ошмоқда. Қайта ташкил этиш жараёнига 219 мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатлари қўшилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларини ҳал этишга, ижтимоий соҳани ривожлантиришга катта эътибор берилди. Соғлиқни сақлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимларини ислоҳ қилиш дастурларида, шунингдек, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурида назарда тутилган тадбирлар режали асосда амалга оширилмоқда.

**(Давоми 2-бетда)**

# Келажак пойдевори мустаҳкам

***Пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси бугун ўзгача чирой касб этган, атрофлари обод ва кўкаламзорлаштирилган, бир-биридан кўркам талабалар тураржойларини кўриб кўзингиз қувнайди. Жумладан, Тошкент Давлат техника университетига қарашли 8 та талабалар тураржойларида 1700 дан зиёд, ЎзМУ ихтиёридаги 8 та шундай муҳташам бинода 2 мингга яқин йигит-қизлар истиқомат қиладилар.***

Мазкур олий таълим даргоҳларида ўқиётган талабаларнинг аксарияти вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги туман ва шаҳарлардан катта орзулар билан келган билимга чанқоқ, шижоатли ёшлардир. Улар шу шинам, замонавий турар жойларда яшаб орзулари ушалиши йўлида чуқур билим эгалламоқдалар.

**Бизнинг ёшлар**

Ўтган йили замон талабларига мос капитал таъмирланган бу биноларда илму маърифат сирларини ўрганаётган, келажагимиз пойдевори бўлган ёшларимиз учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Талабалар билан суҳбатлашсангиз, истиқлол йилларида ёшларга жуда катта эътибор қаратилаётгани, айниқса, давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлигидан беҳад хурсандлиги, Ўзбекистон аталмиш шундай азиз юрт фарзанди эканлигидан фахрланиши, қалби Ватанимизга бўлган чексиз муҳаббатга тўлалигини қувонч билан айтишади. Буни қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

## Жаҳон андозаларига мос

Талабалар тураржойларидаги бизга яратилган шароит ва имкониятлар кишини руҳлантиради. Авваллари машиналар овозию кўчадан келаётган шовқинлар хонада ўтириб дарс қилиш, кечаси дам олишимизга халақит берарди.

**(Давоми 4-бетда)**

*КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!*

**АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!**

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ “ГАЗ” ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM plus КОМПАНИЯСИ

“ГАЗ” русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - автомобиллар, 1,5-4,5 тонна юк кўтарадиган машиналар, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади.



“ГАЗ-31105” русумли автомобиль

“ГАЗ-330232–Фермер” автомашинаси, 6 ўринли, 1,5 тонна юк ҳам кўтаради.

“ГАЗ-3309” русумли 4900 литр сиғимли ёнилғи ташиш машинаси

“ГАЗ-3309” русумли 4200 литр сиғимли сут ташиш машинаси

**Ҳақ тўлаш – исталган усулда!**

“ГАЗ-3221” русумли 15 ўринли микроавтобус

“ГАЗ-3307” русумли газ баллонлари ташиш машинаси

“ГАЗ-3309” русумли нон ташиш машинаси

*Буюртмага кўра “Тез ёрдам” машиналари, нон, озиқ-овқат, саноат моллари, газ баллонлари, чиқинди ташиш махсус машиналари, автоустахоналар тезда етказиб берилади.*

Маҳсулотлар сертификатланган

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

# Кушхона

## у қандай бўлиши керак?

***Ҳаммамиз ҳам оиламиз эҳтиёжи учун бозордан ёки дўкондан тез-тез гўшт харид қиламиз. Аммо, бу гўшт қаерда, қай ҳолатда сўйилгани, жилла қурса, маҳсулот сифатини тасдиқловчи мутахассис муҳри бор ёки йўқлиги билан кўпда қизиқавермаймиз. Семиз, серёғ, камсуяк гўшт олганимиздан хурсанд бўлиб кетаверамиз, шундай эмасми?***

Ваҳоланки, кушхонада сўйилган мол гўшти билан хонаки усулда сўйилган чорва гўштининг анча-мунча фарқи, ўзига яраша сиру синоати бўлади...

**Муаммо**

Давлат Ветеринария Бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, бугун мамлакатимизда 260 та кушхона, 945 та сўйиш майдончаси бор. Хўш, бугун бозорларимизда, дўконларда сотилаётган гўшт ана шу кушхона ва сўйиш майдончалари орқали савдога чиқарилаяптими? Афсуски, йўқ. Пичоққа тортиладиган қорамол ва қўйнинг каттагина қисми дуч келган ерда, хонадонларда, ветеринария мутахассисларининг иштирокисиз, санитария-гигиена талабларига зид равишда хонаки қассоблар томонидан сўйилмоқда. Эътироф этиш керак, шаҳар, қишлоқларимиздаги 321 та гўшт бозорининг 282 тасида ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари бор. Ҳатто туман, қишлоқ дўконларида сотилаётган деярли барча гўшт маҳсулотларига ветеринария врачининг муҳри урилган, лекин... Бу муҳр “жонивор” табиий босилганмикан? Ахир, яшириб нетайлик. Айрим мол докторлари арзимаган пул ёки бир-икки кило гўшт илинжида касал, рамақижон, чала ёки мажбуран сўйилган ҳайвонлар гўштига ҳам кўзини чирт юмиб, муҳр босиб бераётгани ҳеч кимга сир эмас.

– Бу тартибга солиниши зарур бўлган, нафақат биз мутахассисларни, балки барчани ташвишлантириши керак бўлган муаммо, – дейди соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати Департаменти бошлиғи Саидмурод Сайдалиев. – Акс ҳолда, кўза кунда эмас, кунида синиб қолиши муқаррар.

**(Давоми 2-бетда)**

